

Замонавий тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари ҳақида маъруза

6 апрел куни Тракторлар ва автомобиллар кафедраси томонидан Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш таълим йўналиши 3-курс талабаларига Узслаассервис корхонаси мутахассислари Бабаев Х. ва Бошлавов А. иштирокида “Слаас компанияси тракторлари ва қишлоқ хўжалик машиналари” мавзусида маъруза ташкил қилинди.

Маърузада Слаас компаниясининг Ўзбекистонда ишлатилаётган тракторлари ва комбайнларининг тузилиши ва ишлашидаги ўзига хос хусусиятлари ҳақида маълумотлар берилди. Шунингдек, корхона фаолияти ва у ерда талабалар амалиётларини ташкил қилиш билан боғлиқ масалаларга тўхталиб ўтилди. Маърузада Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факультетининг ёш ўқитувчилари ҳам иштирок этишди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.



Тракторлар ва автомобиллар кафедраси мудирини Амонов М.О. ахбороти